

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАГИСТРАТУРА БЎЛИМИ**

*Қўлёзма ҳуқуқида*

**УДК 658.562(575.1)**

**ГАНИЕВ ҲАЙИТБОЙ БАХТИЁР ЎҒЛИ**

**МАҲАЛЛИЙ ХОМАШЁ ОРҚАЛИ ЮҚОРИ ТЕХНОЛОГИЯГА  
АСОСЛАНГАН РАҚОБАТБАРДОШ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ**

**5A230102 - Иқтисодиёт (реал сектор)**

**Магистр  
академик даражасини олиш учун ёзилган**

**ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар:**

**н.ф.д., проф. Б.Салимов**

**Тошкент – 2018 й.**


Диссертация ишида маҳаллий хомашёлардан фойдаланиш асосида саноат тармоқларида ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этишни такомиллаштириш муаммолари бўйича илмий-тадқиқотлар олиб борилган, шунингдек, инновацион ёндашув асосида юқори технологияга асосланган рақобатбардош ишлаб чиқаришни ташкил этиш хусусиятлари ва Ўзбекистонда саноат корхоналари фаолияти ва маҳсулот ишлаб чиқариш кўрсаткичлари таҳлил қилинган. Маҳаллий хомашёлардан фойдаланиш асосида саноат тармоқларида ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этишни такомиллаштириш йўллари борасида таклифлар ишлаб чиқилган.

In the dissertation the research was carried out on the issues of improving the organization of industrial enterprises based on the use of local raw materials, as well as the characteristics of the organization of high-tech competitive production on the basis of an innovative approach and the performance of industrial enterprises and products in Uzbekistan. Proposals have been developed on how to improve the organization of industrial enterprises based on the use of local raw materials.

Магистрлик диссертация иши “Саноат иқтисодиёти” кафедрасида дастлабки ҳимоядан ўтган.

40 - сонли баённома « 21 » май 2018 й.


Илмий раҳбар: и.ф.д., проф. Салимов Б.

  
\_\_\_\_\_  
ИМЗО сана  
  
\_\_\_\_\_  
ИМЗО сана 21.05

Магистр:

Ганиев Х.

**“Ҳимояга тавсия этилади”**

“Саноат иқтисодиёти” кафедраси  
муdiri, доц. И.Хотамов 

“21” май 2018 йил

Ҳимоя 2018 йил “23” 06 соат 14<sup>00</sup> да Тошкент давлат

иқтисодиёт университетида бўлиб ўтади.

## МУНДАРИЖА:

|                                                                                                                                                                   |           |
|-------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----------|
| <b>Кириш.....</b>                                                                                                                                                 | <b>4</b>  |
| <b>I Боб. Маҳаллий хомашё орқали юқори технологияга асосланган рақобатбардош ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг назарий ва услубий асослари.....</b>                 | <b>11</b> |
| 1.1. Маҳаллий хомашёлардан фойдаланиш асосида саноат тармоқларида ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этишнинг назарий ва услубий асослари.....                    | 11        |
| 1.2. Иктисодиётни юқори барқарор ўсиш суръатларини таъминлашда рақобатбардошликнинг ўрни, омиллари ва шартлари.....                                               | 19        |
| 1.3. Инновацион ёндашув асосида маҳаллий хомашёлардан юқори технологияга асосланган рақобатбардош ишлаб чиқаришни ташкил этиш хусусиятлари.....                   | 27        |
| <b>Биринчи боб бўйича хулоса.....</b>                                                                                                                             | <b>34</b> |
| <b>II Боб. Ўзбекистонда маҳаллий хомашё орқали юқори технологияга асосланган рақобатбардош ишлаб чиқаришни ривожланиш кўрсаткичлари таҳлили.....</b>              | <b>36</b> |
| 2.1. Ўзбекистонда саноат корхоналари фаолияти ва маҳсулот ишлаб чиқариш кўрсаткичлари таҳлили.....                                                                | 36        |
| 2.2. “Trade of new waters” МЧЖ фаолияти тавсифи ва ишлаб чиқариш кўрсаткичлари таҳлили.....                                                                       | 45        |
| 2.3. “Trade of new waters” МЧЖ да маҳаллий хомашё орқали юқори технологияга асосланган рақобатбардош ишлаб чиқариш кўрсаткичлари таҳлили.....                     | 51        |
| <b>Иккинчи боб бўйича хулоса.....</b>                                                                                                                             | <b>59</b> |
| <b>III Боб. Маҳаллий хомашё орқали юқори технологияга асосланган рақобатбардош ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари.....</b>                      | <b>61</b> |
| 3.1. Маҳаллийлаштириш асосида хомашёдан самарали фойдаланиш ва корхоналар рақобатбардошлигини ошириш йўллари.....                                                 | 61        |
| 3.2. Корхоналарда инновацион фаолиятни шакллантириш асосида юқори технологияга асосланган рақобатбардош ишлаб чиқаришни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари..... | 65        |
| <b>Учинчи боб бўйича хулоса.....</b>                                                                                                                              | <b>74</b> |
| <b>Хулоса.....</b>                                                                                                                                                | <b>76</b> |
| <b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....</b>                                                                                                                      | <b>80</b> |

## КИРИШ

**Магистрлик диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.** Мамлакатимизда саноат тармоқларини тубдан ривожлантириш, мавжуд маҳаллий хомашёдан юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш асосида иқтисодиётни ривожлантириш устувор йўналишлардан бири саналади. Саноат ишлаб чиқариши миллий иқтисодиётнинг тўлақонли шаклланишида асосий ўринни эгаллайди. Шу боис, мамлакатда илғор инновацион технологияларга асосланган саноат мажмуи корхоналарини ташкил этиш ва улар ўртасида рақобат муҳитини шаклланиши муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида энергетика саноатини тубдан ислох қилиш борасида қуйидаги фикрлари яъни, “Фаол тадбиркор деганда, биз рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга қодир, энг муҳими, янги иш ўринлари яратиб, нафақат ўзини ва оиласини боқадиган, балки бутун жамиятга наф келтирадиган ишбилармон инсонларни тушунамиз. Бундай тадбиркорлар сафини кенгайтириш, жумладан, юқори технологиялар, илм-фаннинг энг сўнгги ютуқларига асосланган техника ва асбоб-ускуналарни мамлакатимизга олиб келиш ва жорий этиш учун уларга муносиб шароитлар яратиш бизнинг биринчи галдаги вазифамиз бўлиши шарт” дея таъкидлаб ўтилган<sup>1</sup>.

Дарҳақиқат юртимизда саноатни тубдан ривожлантириш борасида катта хомашё базасига эгамиз, демак, барча имкониятларни ишга солиш ва ундан самарали фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Рақобат муҳити шаклланган бир шароитда саноат тармоғида юқори технологияга асосланган ишлаб чиқариш корхоналари ҳам изчил равишда ривожланиб бормоқда.

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси// Халқ сўзи, 23 декабрь, 2017 йил.